
2024 йилги Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон туманидаги бир қатор ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда мелиорация тизимида бунёдкорлик ишлари амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [карорига](#) мувофиқ жорий йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Мазкур Инвестиция дастури доирасида Ўзбекистон туманидаги бир қатор ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда мелиорация тармоқларида ҳам капитал таъмирлаш ва бунёдкорлик тадбирларини амалга ошириш белгиланган.

Хусусан [дастурга](#) мувофиқ, жорий йилда қуйидаги обьектларда ободлик тадбирлари бажарилади:

“Дехқонобод” МФЙдаги 70-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (қўшимча 220 ўринли ўқув биноси ва 12x24 м ҳажмдаги спорт зал қуриш), лойиҳа қиймати - **4,860 млрд сўм**;

“Элчи” МФЙ Ғани қишлоғидаги 38-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (қўшимча 330 ўринли ўқув биноси ва 12x24 м ҳажмдаги спорт зал қуриш), лойиҳа қиймати - **6,290 млрд сўм**;

“Абдурахмон Жомий” МФЙдаги 49-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (қўшимча 480 ўринли ўқув биноси қуриш), лойиҳа қиймати - **6,240 млрд сўм**;

“Қушқўноқ” МФЙдаги 20-умумтаълим мактабини мукаммал таъмирлаш, лойиҳа қиймати - **7,812 млрд сўм**;

“Кичик Тагоб” МФЙдаги 35-мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш (янги 150 ўринли ўқув биноси қуриш), лойиҳа қиймати - **5,850 млрд сўм**;

“Ўқчи” МФЙдаги 74-сонли оиласвий поликлиникани реконструкция қилиш, лойиҳа қиймати - **3 млрд сўм**;

“Зиё Нурсух” МФЙдаги 77-сонли оиласвий поликлиникани реконструкция қилиш, лойиҳа қиймати - **2,5 млрд сўм**;

Хўжаликлараро “Чегара” коллекторининг ПК0+00 дан ПК48+00 гача ва Сўх-Исфара коллекторининг ПК220+00дан ПК272+00гача қисмини реконструкция қилиш (10 км тармоқда), лойиҳа қиймати- **1 165,7 млрд сўм**.

2024-02-01 11:13:00